



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ

2025 йиллик ҲИСОБОТ

Давлат органлари ва ташкилотларининг
Ички аудит хизматлари фаолияти
юзасидан

Тошкент - 2026 йил
www.imv.uz



МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш	5
II. Сертификатлашни ташкил этиш ва ички аудит хизмати ходимлари малакасини ошириш	7
III. Ички аудит хизматлари фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолиятини жамоатчиликка очиқлаш	9
IV. Ички аудит хизматлари фаолияти натижалари	11
V. Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг рейтинги	14
VI. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари	15
VII. Ички назорат тизимини ташкил этишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш	17
VIII. Ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик	17
Баҳолаш натижалари (<i>Илова</i>)	19

Кириш

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш, давлат молиясини бошқаришда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишда қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда соҳавий дастурлар доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматларини (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ислоҳотлар доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппаратида Давлат органларининг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда - Бошқарма) фаолият олиб боради ҳамда у ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш, ички аудиторларга малака сертификатини бериш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда ички аудит хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини амалга ошириб келмоқда.

Бошқарма томонидан шу кунга қадар ички аудит хизматлари фаолиятини тартибга солувчи 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди (<https://www.imv.uz>), ички аудит хизматлари ходимларининг малакасини сертификатлаш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди, уларнинг фаолияти баҳоланди.

Ички аудит хизматлари давлат органлари ва ташкилотларида молиявий-ҳўжалик фаолиятининг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, ички назорат тизимининг ишончилигини таъминлаш, бошқарув қарорларининг асослилигини ошириш ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлашда муҳим институт ҳисобланади.

Шу маънода, ички аудит фаолияти нафақат қоидабузарликларни аниқлашга, балки уларнинг олдини олиш, тизимли камчиликларни бартараф этиш ва барқарор бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

2025 йил давомида ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, ички аудит хизматлари штат бирликлари энг кам сонини белгилашнинг мезонлари ва энг кам меъёрлари белгиланди, ички аудит хизмати ходимларининг фаолиятсамарадорлик рейтинг жорий этилди.

Шунингдек, ички аудит хизматларининг функционал мустақиллигини ошириш, хавфларни аниқлаш ва уларни олдини олишга асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, аудит тадбирларини режалаштириш ҳамда уларни амалга ошириш жараёнида таҳлилий ва профилактика механизмларни кучайтириш, аудит тадбирлари натижалари ижроси устидан мониторинг тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, ички аудит хизматлари фаолиятида масофавий назорат механизмлари кучайтирилиб, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўлами кенгайтирилди, электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятлари оширилди, автоматлаштирилган таҳлил ва мониторинг воситаларини жорий этиш масалаларига ҳам устувор аҳамият қаратилди.

Мазкур ҳисоботда 2025 йил давомида Бошқарма томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда ички аудит хизматлари фаолияти натижалари келтирилган.

I. Ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш

2025 йил давомида ички аудит хизматлари фаолиятини **услубий таъминлаш** юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

а) Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молияси соҳасида хавфларни бошқариш тизимини самарали ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2025 йил 29 апрелдаги 279-сон қарори билан тасдиқланди. Унда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида молиявий ва бошқа хавфларни барвақт аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришнинг яхлит тизими жорий этилди.

Шунингдек, ушбу қарор билан Молиявий ва бошқа хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Хавфларни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Мазкур қарор асосида **42 та** давлат органлари ва ташкилотларида биринчи раҳбар бошчилигида **хавфларни бошқариш қўмиталари тузилди.**

б) Вазирлар Маҳкамасининг “2025–2027 йилларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ички назорат тизимини янада такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2025 йил 16 июлдаги 446-сон қарори билан тасдиқланди. Унинг таркибидан 2025–2027 йилларда давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизимини такомиллаштириш концепцияси ва уни амалга ошириш “Йўл харитаси” ўрин олди.

Шунингдек, ушбу қарор билан амалдаги ички аудит хизматлари фаолиятига оид **Ҳукумат қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:**

ички аудит хизматлари **энг кам штат бирликлари сонини аниқлаш методикаси ва ички аудит хизмати раҳбарларини лавозимдан озод этишни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш тартиби белгиланди;**

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашда фойдаланиладиган саволномага баҳолаш амалиёти ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;

ички аудит миллий малака сертификатини бериш ва сертификат эгаларининг малакасини ошириш жараёнига амалиётдан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

в) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 апрелдаги “2025–2030 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сон қарори билан **“2025–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси”** тасдиқланди.

Мазкур стратегияда давлат ички назорати ва ички аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш белгиланди:

Давлат ички назорати ва ички аудит тўғрисидаги **қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш**;

Халқаро стандартлар асосида ички аудит хизматлари ходимларини **сертификатлаш ва малакасини ошириш** тизимларини такомиллаштириш;

Ички аудит хизматлари фаолиятида **самарадорлик аудити ва ахборот технологиялари аудитини** жорий этиш тартибини ишлаб чиқиш;

Давлат органлари ва ташкилотларида **ички аудит фаолиятини рақамлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш**;

Давлат органлари ва ташкилотларида **ички аудит хизматини аутсорсинг асосида амалга ошириш** тартибини белгилаш.

г) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 апрелдаги 210-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг **“Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизими ва ички аудит фаолиятини рақамлаштириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳозирда, Ички назорат тизими ва ички аудит фаолиятини рақамлаштиришга кўмаклашиш бўйича эксперт ёллаш ишлари амалга оширилмоқда.

д) Давлат органлари ва ташкилотлари **ички аудит хизматлари ходимларини тайёрлаш ва сертификатлаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш мақсадида** Жаҳон банки иштирокида “Институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси” доирасида хорижий маслаҳатчи билан шартнома имзоланиб, белгиланган техник топшириқ асосида хорижий давлатлар илғор тажрибалари ва мамлакатимиздаги амалиёт ўрганилди.

Илғор ҳалқаро амалиётни Ўзбекистонда татбиқ этиш ҳамда сертификатлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг **“Давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит хизматлари ва молиявий назорат ходимлари малакасини сертификатлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

е) Ички аудитга оид янги қабул қилинган норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб, **Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида** Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2025 йил 10 декабрдаги 309-сон **буйруғи қабул қилинди** ва белгиланган тартибда Адлия вазирлигида 2025 йил 18 декабрда 3406-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

II. Сертификатлашни ташкил этиш ва ички аудит хизмати ходимлари малакасини ошириш

а) Ўзбекистон Аудиторлар палатаси билан биргаликда ички аудит миллий малака сертификатини олишга талабгорлар учун ҳар ой малака имтиҳонлари ташкил этилди. Шунингдек, имтиҳон комиссияси ва апелляция комиссияси таркибда **бошқарма ходимлари комиссия аъзолари сифатида иштирок этди.**

*Маълумот учун, 2025 йил давомида **702 нафар** талабгорларнинг **253 нафари** ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлди. Бугунги кунда **970 нафар** шахслар ички аудит миллий малака сертификатига эга.*

Шунингдек, белгиланган тартибда **малака ошириш курсини ўтамаган** ички аудит миллий малака сертификати эгалари **сертификатларининг амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар** Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **сертификатлар реестрида** акс эттирилиб борилмоқда.

*Маълумот учун, 2025 йил давомида **123 нафар** сертификат эгаларининг сертификатлари амал қилиш муддати тугатилди.*

Ҳозирда Бошқарма томонидан амалдаги тартибга мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида Ички аудит миллий малака сертификатлари реестри юритилмоқда (*қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://www.imv.uz>*).

Мазкур реестрда ички аудит миллий малака сертификати эгалари, сертификатнинг рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати, шунингдек, малака оширишга оид ҳамда сертификатнинг амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Шу билан бир қаторда, давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит штат бирликларида ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлмаган ходимларнинг фаолият олиб бориши тақиқланганлиги сабабли, Ички аудит миллий малака сертификатлари реестри “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплексининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинди.


б) Ички аудит тузилмаларини малакали ходимлар билан таъминлаш ҳамда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хавфларни бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўқув марказида бошқарма ходимлари иштирокида малака ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур малака ошириш курсларида ҳисобот даврида **34 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **149 нафар** ички аудит ходимлари, **166 нафар** Давлат молиявий назорати инспекцияси ходимлари ҳамда **41 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **165 нафар** хавфларни бошқариш соҳасидаги масъул ходимлари малакаси оширилди (1-расм).

1-расм

Давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит хизматларининг малака оширишда қатнашган ходимлари тўғрисида маълумот

(2023 – 2025 йиллар кесимида)



в) Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ички аудит хизматлари, молия-иқтисод (бухгалтерия) тузилмалари ва бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари учун ички назорат ва ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибалари, шунингдек, тегишли қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказишга бағишланган **10 дан ортиқ** семинар ва тренинглар ўтказилди.

Шу билан бирга, бевосита давлат органлари ва ташкилотларида семинарлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Тоғ-кон ва геология вазирликларида ички назорат тизимига масъул раҳбар ва ходимларга “Давлат секторида ички назорат ва хавфларни бошқариш тизими”ни жорий этиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган семинарлар ўтказилди.

Мазкур семинар ва тренингларда **200 дан ортиқ** раҳбар ўринбосарлари, ички аудит, молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа таркибий бўлинмалар ходимлари иштирок этди.

III. Ички аудит хизматлари фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолиятини жамоатчиликка очиқлаш

1. Давлат органлари ва ташкилотларида **ички аудит хизматларини ташкил этиш** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” **ПФ–14-сонли** Фармони ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ–4938-сонли** қарори билан **белгиланган**.


Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги **416-сон** қарори билан ички аудит хизматларига **бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари бузилишини олдини олиш (профилактика)** ҳамда **бюджет харажатлари самарадорлигини таҳлил қилиш вазифалари** юклатилган.

2026 йил 1 январь куни ҳолатига ички аудит хизматлари фаолияти **62 та** давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, **17 та** вазирлик, **8 та** қўмита, **15 та** агентлик, **14 та** ҳокимлик ҳамда **8 та** бошқа ташкилотларда йўлга қўйилди.

Шунингдек, ушбу кун ҳолатига давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматларида жами **279 та**, шу жумладан вазирликларда **165 та**, қўмиталарда **18 та**, агентликларда **36 та**, ҳокимликларда **14 та** ва бошқа ташкилотларда **46 та** штат бирликлари мавжуд ҳамда уларда **242 нафар** ходим фаолият олиб бормоқда (2-расм).

2-расм

Давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит хизматлари ва уларда мавжуд штат бирликлари
(2023 – 2025 йиллар кесимида)



2. Давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит тузилмалари фаолияти натижаларини очиқлигини таъминлаш мақсадида, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида очилган “давлат ички аудити” махсус саҳифасига қуйидаги маълумотлар жойлаштирилиб (янгилашиб) борилмоқда:

- давлат ички аудити соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари;
- ички аудит миллий малака сертификатлари реестри;
- ички аудит хизмати ходимлар фаолияти самарадорлигининг рейтинги;
- малака оширишга оид маълумотлар;
- ички аудит тузилмаси мавжуд давлат органи ва ташкилотлари;
- ички аудит тузилмалари фаолиятини баҳолаш;
- халқаро ҳамкорлик, семинар ва тренинглар;
- халқаро фойдаланишдаги қўлланмалар.


IV. Ички аудит хизматлари фаолияти натижалари

1. Ички аудит хизматларининг 2025 йилдаги фаолияти натижалари қуйидагилардан иборат:

– ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари натижасида жами **827,3** млрд сўмлик мақсадсиз ва самарасиз харажатлар олди олинди ҳамда бюджет ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишига кўмаклашиш натижасида **1 030,5** млрд сўмлик асосий воситалар ва товар-моддий бойликларнинг ўрнатилган тартибда бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилишига эришилди (3-расм);

3-расм

Ички аудит хизматлари томонидан амалга оширилган профилактика тадбирлари натижалари (2023 – 2025 йиллар бўйича, млрд сўмда)




– Масофавий аудит қамрови ва сифатини янада ошириш ҳамда ички аудиторларнинг молиявий маълумотлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида “UzASBO” дастурий мажмуасида “камерал” модулидан фойдаланиш бўйича **194 нафар (83%)** ички аудит хизмати ходимларига **логин ва пароллар тақдим этилди**.

– ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган **1 444** та ички аудит тадбирлари натижасида **бюджет ташкилотларига молиявий интизомни мустақамлаш юзасидан** киритилган **4 226** та **таклиф ва тавсияларнинг 4 088 таси ёки 97 фоизининг ижроси таъминланди (4-расм);**

4-расм

Ички аудит хизматлари томонидан берилган таклиф ва тавсияларнинг бажарилиши
(2023 – 2025 йиллар кесимида)



– ички аудит хизматлари томонидан уларнинг 2025 йил учун йиллик режаларига киритилган **1 036 та** ички аудит тадбирининг **994 таси ёки 96 фоизи ўтказилди (5-расм).**

Маълумот учун: 2025 йилда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (10%), Ёшлар ишлари агентлиги (50%), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (67%), Сирдарё вилояти ҳокимлиги (67%) ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида (67%) йиллик режанинг бажарилиш кўрсаткичи паст бўлган.

Ички аудит хизматлари томонидан йиллик режасининг бажарилиши

(2023 – 2025 йиллар кесимида)



– ички аудит хизматлари томонидан 2025 йил давомида **1 645,7** млрд сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди ҳамда уларнинг **261,1** млрд сўми тегишли бюджетларга тикланди.

– ҳисобот даврида **44** та вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан **96,4** трлн сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган **124** та дастурларининг **717** та мақсадли индикаторлари ижроси юзасидан ҳисоботлар таҳлил қилинди.

Ички аудит хизматларининг фаолияти натижалари бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар жамланиб, таҳлил қилинган ҳолда уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйилиши ва такомиллаштирилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, тажриба – синов тариқасида ички аудит фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 2025–2026 йиллар давомида **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида “Намунали ички аудит хизмати”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

V. Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг рейтинги


“Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом”га (Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 декабрда 3583-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит хизмати ходимларининг 2025 йил чорақлар бўйича фаолияти самарадорлиги рейтинги тузилди ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди (*қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://imv.uz>*).

Ички аудит хизмати ходимларининг 2025 йил IV чорақ фаолияти самарадорлиги рейтинги натижаларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларининг 232 нафар ички аудит хизмати ходимларидан 171 нафари (74 фоизи) “аъло”, 38 нафари (16 фоизи) “яхши”, 13 нафари (6 фоизи) “қониқарли” ҳамда 10 нафари (4 фоизи) “қониқарсиз” деб баҳоланди (6-расм).

Ўз навбатида, 2025 йилнинг IV чорақ рейтинг кўрсаткичлари ўтган III чорақ фаолият самарадорлиги натижаларига нисбатан яхшиланиб, “аъло” рейтинг кўрсаткичига эга ички аудит хизмати ходимлари сони 129 нафардан 171 нафарга, шунингдек, “қониқарли” рейтинг кўрсаткичига эга ички аудит хизмати ходимлари сони 31 нафардан 13 нафарга ҳамда “қониқарсиз” рейтинг кўрсаткичига эга ички аудит хизмати ходимлари сони 17 нафардан 10 нафарга камайишига эришилган.

Маълумот учун, Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлиги (KPI) амалдаги норматив ҳужжатга асосан олди олинган молиявий хато ва камчиликлар(1), масофавий аудит натижалари(2), йиллик режанинг бажарилиши (3) ҳамда таклифларнинг ижро этилиши(4) кўрсаткичлари натижалари асосида 56 фоизгача – “қониқарсиз”, 56 фоиздан 71 фоизгача – “қониқарли”, 71 фоиздан 86 фоизгача – “яхши”, 86 фоиздан юқори – “аъло” баҳоланади.

**Ички аудит хизматлари ходимларининг фаолияти
самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг натижалари
(2025 йилнинг чораклари бўйича)**



VI. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарорига мувофиқ ички аудит хизматлари томонидан фаолиятга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятни такомиллаштириб бориш мақсадида **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш амалга оширилди.**

2025 йилда **5 турдаги** хавф омилларининг таҳлили асосида танлаб олинган **11 та** давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматларида (жами ички аудит хизматлари мавжуд бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг **22 фоизи**) **баҳолаш ўтказилди.**

Маълумот учун, 2025 йилда баҳолаш ўтказилган **11 та давлат органлари ва ташкилотлари** ички аудит хизматларининг баҳолаш натижалари бўйича **ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар** Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди ҳамда **Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди** (<https://imv.uz>).

Баҳолаш натижасига кўра, жумладан, **Транспорт вазирлиги (62,2%)**, **Экология вазирлиги (64,3%)**, **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (66,7%)**, ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси **“паст”**, Кадастр агентлиги **(72,3%)**, Ёшлар ишлари агентлиги **(75,7%)**, Маданият вазирлиги **(81,3%)**, Фанлар академияси **(82,3%)**, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги **(86,1%)**, Ўзархив агентлиги **(88,7%)** ички аудит хизматининг сифат даражаси **“ўрта”** ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **(91,6%)**, Адлия вазирлиги **(92,4%)** ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **“юқори”** даражада баҳоланди (*иловада*).

Баҳолаш натижаси асосида, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлар бўйича қуйидаги масалаларни ўз ичига олувчи **чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, унинг биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланди:**

ички аудит хизматларининг ички ҳужжатларини (низом ва лавозим йўриқномаларини) ички аудитга оид қонунчиликка мувофиқлаштириш;

йиллик режа учун хавф таҳлилининг сифатини янада ошириш;

ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;

ҳар чорақда бир молиявий масалага (давлат харидлари, иш ҳақи, қурилиш-таъмирлаш, асосий воситалар ҳисоби каби) қаратилган режадан ташқари ички аудит тадбирларини ўтказиш орқали тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

ички аудит хизматининг очиқлигини таъминлаш мақсадида фаолият натижаларини мунтазам равишда жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

ҳодимларнинг малакасини ошириб бориш ва кадрлар захирасини шакллантириш;

Баҳолаш натижасида тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг ички аудит хизматлари томонидан бажарилиши доимий мониторинг қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, 2025 йилда баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, ички аудитга оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва баҳолаш амалиётидан келиб чиқиб, Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича намунавий саволномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва бунинг натижасида саволлар сони 2024 йилга нисбатан **17 тага** кўпайган ҳолда **58 тани** ташкил этди.

VII. Ички назорат тизимини ташкил этишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш

а) Жаҳон банки кўмагида ташкил этилган “Институционал салоҳиятни ошириш” лойиҳаси доирасида PricewaterhouseCoopers халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорлик доирасида ички назорат тизимини йўлга қўйиш юзасидан белгиланган ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида PWC халқаро консалтинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган ички назорат қўлланмасининг тажриба-синови ўтказилди.

б) Дастлабки ва жорий молиявий назоратни кучайтириш ҳамда бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида **56 та** давлат органлари ва ташкилотларда **ҳисоб сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишига эришилди.**

Молия-иқтисод ва бухгалтерия хизматлари ходимлари малакасини баҳолаш мақсадида **55 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **молия-иқтисод ва бухгалтерия тузилмаларида** фаолият олиб бораётган **17,7 минг нафар** ходимларнинг **40 та** кўрсаткич бўйича таҳлили амалга оширилди.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, 2026–2027 йилларда давлат ички молиявий назорати тизимини жорий этиш орқали дастлабки ва жорий назоратни янада кучайтириш юзасидан **чора-тадбирлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

Давлат органлари ва ташкилотларининг қўйи тизим ташкилотлари молиявий маълумотларини масофавий назорат қилиш мақсадида **марказий аппарат ҳамда вилоят даражасидаги молия-иқтисод ва бухгалтерия хизматлари ходимларига “УзАСБО” дастурий мажмуасининг “камерал” модулидан фойдаланиши** ташкил этилди ҳамда логин ва пароллар бериш бошланди.

VIII. Ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик

а) “Глобал ички аудит стандартлари” (GIAS) ҳамда унга мувофиқ Жаҳон банкининг Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (PEMPAL) томонидан ишлаб чиқилган Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида **янги таҳрирдаги Ички аудит миллий стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

б) РЕМПАЛ ҳамжамиятининг самарадорлик аудитини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятида бошқарма ходимлари иштирок этишмоқда ва ишчи гуруҳ билан биргаликда “Самарадорлик аудити бўйича қўлланма” лойиҳаси тайёрланди.

Шунингдек, мамлакатимизда ички аудит ва ички назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича РЕМПАЛ ҳамжамияти билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келинмоқда ҳамда мазкур соҳага оид ташкил этилган халқаро семинарларда иштирок этиб келинмоқда.

в) 2025 йил давомида Бошқарма ходимлари ички аудит ва ички назоратни такомиллаштиришга оид хорижий давлатларда ташкил этилган 3 та семинар-тренинглarda иштирок этиб, малака оширдилар.

Жумладан, Жаҳон банки кўмагидаги Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (РЕМПАЛ) доирасида:

– Австрия давлатининг Вена шаҳрида давлат молиясини бошқариш, бюджет жараёни ва ички аудит тизими билан яқиндан танишиб, малака оширилди;

– Черногориянинг Будва шаҳрида Самарадорлик аудити (Performance Audit) ва Барқарорлик аудити (Sustainability Audit)ни ўтказиш ҳамда давлат ички аудити ва ички назорати ислохотлари бўйича Черногория тажрибаси билан танишиб, малака оширилди;

– Молдованинг Кишинёв шаҳрида ички аудит стратегияси ва стратегик режалаштириш ҳамда давлат ички аудити ва ички назорати ислохотлари бўйича илғор халқаро тажрибалар билан танишиб, малака оширилди.

Мазкур ташриф доирасида ташкил этилган семинар ва тренинглarda **6 нафар** ходим иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар.

2025 йилда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

T/p	Назорат саволлари йўналиши	Адлия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ўзархив агентлиги	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Фанлар академияси	Маданият вазирлиги	Ёшлар ишлари агентлиги	Кадастр агентлиги	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Экология вазирлиги	Транспорт вазирлиги
Сифат даражаси (фоизда)		92,4%	91,6%	88,7%	86,1%	83,8%	81,3%	75,7%	72,3%	66,7%	64,3%	62,2%
1	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси ҳамда фаолияти самарадорлигининг баҳоланиши	92%	100%	100%	83%	83%	83%	75%	100%	100%	100%	100%
2	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши	100%	94%	89%	100%	100%	78%	100%	89%	83%	100%	78%
3	Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар	92%	93%	100%	86%	100%	79%	92%	70%	83%	43%	92%
4	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши	89%	100%	86%	96%	92%	75%	68%	68%	100%	61%	79%
5	Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	100%	100%	100%	100%	67%	83%	50%	50%	67%	100%	67%
6	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	94%	88%	69%	50%	100%	100%	81%	44%	38%	56%	25%
7	Йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши	88%	75%	94%	100%	56%	69%	75%	88%	25%	19%	38%

– юқори
 – ўрта
 – паст